
ФУРҚАТ ТУМАНИ ҲОКИМИНИНГ ҚАРОРИ: АВТОМОТОТРАНСПОРТ
ВОСИТАЛАРИНИ ЙИЛЛИК МАЖБУРИЙ ТЕХНИК КЎРИҚДАН ЎТКАЗИШ
ТЎҒРИСИДА



FARG'ONA VILOYATI FURQAT TUMANI HOKIMINING QARORI

2022 йил «7» январь

4-11-164-Q/22

Фурқат туман ҳокимлиги

Автомототранспорт воситаларини йиллик мажбурий техник кўриқдан ўтказиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси “Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида”ги қонунига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 15-сон, 197-модда) мувофиқ ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 09 мартдаги 125-сонли қарори билан тасдиқланган “Транспорт воситаларини мажбурий техник кўриқдан ўтказиш тартиби тўғрисида”ги Низом (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 10.03.2021 й., 09/21/125/0195-сон) ижросини таъминлаш мақсадида,

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н :

1.Фурқат тумани ИИБ бошлиғининг 2021 йил 15 декабрдаги 7474-сонли алоқа хати маълумот ва ижро учун қабул қилинсин.

2.Тумандаги Жисмоний ва юридик шахсларга тегишли бошқа транспорт воситаларининг техник кўриги 1 январь — 31 декабрга қадар, тижорат асосида йўловчилар ташиш фаолияти билан шуғулланувчи енгил автомобиллар, автобуслар, троллейбуслар, трамвайлар ва ўриндиқлар сони 8 та ва ундан ортиқ бўлган (ҳайдовчининг ўрнидан ташқари), одамларни мунтазам ташиш учун жиҳозланган юк автомобиллари, йирик габаритли, оғир вазнли ва хавфли юкларни ташиш учун махсус транспорт воситалари ва уларнинг тиркамалари юридик шахсларга тегишли автотототранспорт воситалари биринчи марта 2022 йил 1 мартдан - 30 июнь кунига қадар, иккинчи марта 2022 йил 1 сентябрдан - 31 октябрга қадар техник кўриқдан ўтказилсин.

3.Автомототранспорт воситаларининг йиллик мажбурий техник кўриқдан ўтказиш бўйича туман комиссияси таркиби 1-иловага мувофиқ

2022-01-07 15:50:45